

Зохиджон Исломов
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, филология
фанлари доктори, профессор

ФИҚҲ ИЛМИНИНГ “ЯТИМАДУ-Д-ДАҲРИ”

Юридик фанлари доктори, профессор Абдулҳаким Шаръий Жузжоний домлани 1980 йиллардан биламан. Мана шу вақтларда Домлани Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тил ва адабиёт институти, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлғзмалар институтлари илмий жамоатчилиги яхши танир эди. Мен бу вақтда академик Азизхон Қаюмов раҳбарлигида Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлғзмалар институтида илмий ходим бўлиб ишлар эдим. Академик Азизхон Қаюмов Шаръий Жузжонийни олим сифатида жуда ҳурмат қилар эдилар, домла билан тез-тез суҳбатлашиб турардилар. Азизхон Қаюмов форс, туркий тиллар ва адабиёти бўйича кучли мутахассис бўлганликлари учун Домла билан жуда кенг қамровли мавзулар доирасида суҳбатлашишар эди. Ҳар иккала домлалар ўзбек, форс адабиётини мукамал билишарди ва кизгин илмий суҳбатлар ўтарди. Бу суҳбатлар Машраб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг адабий мероси, Амир Темур ва темурий шаҳзодалар тарихи, маданий муҳити ҳақида бўлар эди. Устозимиз Азизхон Қаюмовдан Шўзжоний Жузжонийнинг Афғонистонда Адлия вазири, Бош прокурор, Олий суд раисининг биринчи муовини ва қозиул-қузот вазифаларида хизмат қилганликларини эшитганман.

Аслида Жузжоний домла ҳуқуқшунос бўлиб, дастлаб шаръий илмлар мадрасаси, сўнгра Кобул университетининг Шаръиёт факультетини тугатган. Ўзбекистонда Юридик институтида фикҳ-ислом ҳуқуқи фанидан дарс берганлар. Такдир тақозоси билан 1999 йили Тошкент ислом университети очилгандан сўнг Домла билан билан бирга ишладик. Мен Ислмушунослик илмий тадқиқот маркази директори, Жузжоний домла Ислму ҳуқуқи

кафедрасининг мудири бўлиб иш бошладик. Биз домла билан эшиги эшигига рўбарў хоналарда ўтирар эдик. Шаръий Жузжоний 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда «Афғонистонда шарият тараққиёти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган ва ҳуқуқшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олганлар. Энди Домла Ўзбекистонда очилган илк ислом ҳуқуқи бўйича илмий даражали мутахассис ва биринчи очилган кафедранинг мудири эдилар.

Университетда Домла ҳам ўқув, ҳам илмий фаолиятни биргаликда олиб бордилар. Шу йиллари маҳаллий журналларда олимнинг ислом ҳуқуқи, тасаввуф, Мовароуннахр алломалари илмий мероси масалаларига бағишланган мақолалари ва китоблари ёзилди, кўп ўтмай нашр этилди. Улар жумласига, “Жаҳон адабиёти”, “Мулоқот”, “Жамият ва бошқарув”, “Тафаккур”, “Шарқ машғали”, “Имом ал-Бухорий сабоқлари” каби журналларда “Аврангзеб ва Бобурийлар давлатининг ҳуқуқий кодекси”, “Абу Ҳанифа ва унинг ҳуқуқий мактаби”, “Ўрта Осиёда ислом ҳуқуқи ва ҳанафийлар мазҳаби”, “Ислму ҳуқуқи тизими ривожда ижтиҳоднинг ўрни”, “Имом Абу Юсуф биринчи қозил-қузот”, “Абу Ҳанифанинг шахсияти ва илмий мақоми”, “Имоми Аъзам Абу Ҳанифа – раъй ва қиёс пешвоси”, “Абу Зайд Дабусий хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) илмининг асосчиси” илмий мақолаларини киритиш мумкин.

Шаръий Жузжоний илмий фаолиятида тасаввуф илми ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Домланинг “Тасаввуфда комил инсон сиймоси”, «Тасаввуф сиру асрори» мақолалари, «Тасаввуф ва инсон» номли монографияси мавжуд. «Буюк алломаларимиз» рукни остида тасаввуф пирлари «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор», «Нажмиддин Кубро» рисоаларини Жузжоний домла ҳаммуаллифликда чоп этганмиз.

Жузжоний домла ислом ҳуқуқи бўйича академик А.Саидов билан бирга «Мусулмон ҳуқуқи» фани ўқув дастурини яратган, «Шарқ ва инсон ҳуқуқлари» номли китобни нашр этишган. Шунингдек, «Ислму ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби» ва «Ўрта Осиё фақиҳлари» номли ўқув қўлланма, «Ислму ҳуқуқи» ва

«Усулу-л-фикҳ» фанларидан ўқув-услубий қўлланмалар, «Марғиноний ва унинг издошлари» рисоласини ёзган.

Ислом ҳуқуқига оид юқорида зикр этилган мақола, қўлланма, монографиялар асосида 2005 йилда Тошкент ислом университети қошидаги ихтисослашган кенгашида 24.00.03 Ислом ҳуқуқи мутахассислиги бўйича «Ислом ҳуқуқи: ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари» мавзuida биринчи докторлик диссертациясини ёқлаб, юридик фанлари доктори илмий даражасини ва 2007 йили шу мутахассисликдан профессор илмий унвонини олди.

Доктор Шаръий Жузжоний ҳуқуқшунос, ислом ҳуқуқи – фикҳ бўйича йирик мутахассис бўлиш билан бир қаторда кучли адабиётшунос, ҳассос шоир ва моҳир журналист сифатида ҳам танилган. Олим форс тилини ўз она ўзбек тили каби мукамал билганлиги боис бу тилга эркин бадиий таржима қилиш салоҳиятига эга иқтидор эгаси ҳисобланади. Домла кўп сонли илмий,

адабий китоб ва рисоалар муаллифи бўлиши билан бирга таржимон ҳам бўлиб Ойбекнинг «Навоий» романи, Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» ва бир қатор рисола ҳамда мақолаларни форс тилига таржима қилган. Фидойи олимнинг кўп йиллик ҳалол, ижодий, илмий, педагогик фаолияти инобатга олиниб Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Дўстлик медали билан тақдирланган.

Олим, фақиҳ, адабиётшунос, шоир, адиб, устоз Абдулҳаким Шаръий Жузжоний таваллудининг муборак 90 йиллиги нишонланиш арафасида. Мен шахсан ўзим, бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида фаолият олиб бораётган кўп сонли профессор-ўқитувчилар номидан **Фикҳ илмининг “Ятимаду-д-дахри”** Абдулҳаким Шаръий Жузжоний домламизга Яратгандан узок йиллар давомида мустаҳкам соғлиқ, илмий ижодий муваффақиятларга тўла бахтли саодатли ҳаёт тилайман.

